



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3320
2021 - vil 17 - sentabr

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эсдалик пул белгиларини тайёрлаш, сотиш ва
қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги
Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қиласди:

- “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эсдалик пул белгиларини тайёрлаш, сотиш ва
қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низом” иловага мувофиқ тасдиқлансан.
- Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси



Нурмуратов М. Б.

Тошкент ш.
2021 йил 14 сентябрь,
1/7 сон

Келишилди:



Xudayberdiyev B. B.

**Давлат асилий даражаси
палатаси бошлиғи**

Тошкент ш.
2021 йил 07 сентябрь,

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2021 йил “14” сентябрдаги
1/7 сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эсдалик пул белгиларини
тайёрлаш, сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан муҳим саналарга оид ҳамда нумизматика ва коллекциялаш мақсадларида пул белгиларини, шунингдек қимматбаҳо металлардан тайёрланган пул белгиларини (бундан буён матнда эсдалик пул белгилари деб юритилади) тайёрлаш, сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Эсдалик пул белгилари муомаладаги банкноталар ва тангалар каби Ўзбекистон Республикаси худудида номинал қийматга эга нақд пул шаклидаги қонуний тўлов воситаси ҳамда номинал қийматидан юқори баҳоланувчи нумизматика, коллекциялаш, инвестиция ва жамғариш обьектлари сифатида муомалада бўлиши мумкин.

2. Эсдалик пул белгиларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш нархлари оммавий ахборот воситаларида ҳамда Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Марказий банкнинг расмий веб-сайтида муомалага чиқариладиган эсдалик пул белгиларини сотадиган ва қайтариб харид қилиб оладиган Марказий банкнинг худудий бош бошқармалари ва тижорат банк филиаллари (бундан буён матнда шоҳобча деб юритилади) тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниб борилади.

Марказий банк қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш нархларини шакллантиришда қўлланиладиган қимматбаҳо металл нархини ҳар ҳафтада камида бир марта миллий валютада ушбу Низомнинг [1-иловасига](#) мувофиқ белгилайди ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қиласди.

2-боб. Эсдалик пул белгиларини тайёрлаш

3. Марказий банк томонидан банкнота ва тангалар кўринишидаги, турли хил хом ашёлардан, жумладан қимматбаҳо ва бошқа металлардан тайёрланган, аҳамиятга молик турли мавзуларга бағишлиланган, чекланган миқдорда эсдалик пул белгилари муомалага чиқарилади.

4. Муомалага чиқариладиган эсдалик пул белгиларини тайёрлашда инсон саломатлиги учун хавфсиз бўлган хом-ашёлардан фойдаланилади.

5. Эсдалик пул белгилари дизайнинда куйидаги элементлар акс эттирилиши мумкин:

муқаддас қадамжолар ва тарихий обидалар, замонавий меъморчилик обьектлари тасвирлари;

буюк сиймолар ижоди ва фаолиятига бағишлиланган тасвирлар, портретлар ва ҳайкаллар суръатлари;

миллий анъаналар ва қадриятларга доир тасвирлар;

замонавий даврнинг муҳим воқеаларини, жаҳон тарихи, умумжаҳон маданияти ва қадриятларини ифода этувчи тасвирлар.

6. Эсдалик пул белгиларининг мавзуси, адади, номинали, техник хусусиятлари, хом ашёси, метали ва қотишмалари тури, уларнинг асиллик даражаси, зарб этиш сифати ва муомалага чиқариши санаси Марказий банк бошқаруви томонидан белгиланади.

3-боб. Эсдалик пул белгиларини сотиш

7. Қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгилари шохобчалар томонидан бевосита жисмоний ва юридик шахсларга сотилади.

Эсдалик пул белгиларини сотиш ва уларни етказиб бериш ишлари буюртмачилар билан тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

8. Қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларини сотиш нархи Марказий банк томонидан ҳар ҳафтада камида бир марта қимматбаҳо металл нархи ва Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган маржага асосан ушбу Низомнинг [2-иловасига](#) мувофиқ белгиланади.

9. Қимматбаҳо металлардан тайёрланмаган эсдалик пул белгилари муомаладаги (циркуляцион) пул белгилари билан бир қаторда нақд пулдаги ҳисоб-китобларда ўз номинал қиймати бўйича қабул қилинадиган ойлик иш ҳаки, пенсия, нафака, омонат ва бошқа тўловлар орқали муомалага чиқарилади.

10. Норезидентлар томонидан республика ҳудудига ташриф буюрмасдан эсдалик пул белгиларини сотиб олиш онлайн тарзда (Марказий банкнинг ёки бошқа тегишли банкнинг расмий веб-сайти орқали мурожаат қилиш йўли билан) амалга оширилиши мумкин.

Бунда эсдалик пул белгиларини сотиш нархи тўлов амалга ошириладиган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган валюталарни расмий айирбошлаш курси етказиб бериш (почта) харажатларини ҳисобга олган ҳолда, хорижий валютанинг сўмга нисбатан курсига мувофиқ хорижий валюта эквивалентида кўрсатилади.

Шохобчаларнинг тегишли ҳисобварағига норезидентлар томонидан амалга оширилган тўлов маблағлари келиб тушгандан сўнг, эсдалик пул белгилари почта орқали юборилади.

4-боб. Эсдалик пул белгиларини қайтариб харид қилиб олиш

11. Қимматбаҳо металлардан тайёрланмаган эсдалик пул белгилари муомаладаги (циркуляцион) пул белгилари билан бир қаторда нақд пулдаги ҳисоб-китобларда ўз номинал қиймати бўйича шохобчалар орқали қабул қилиниши ва муомаладаги пул белгиларига айирбошлаб берилиши мумкин.

Қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларини қайтариб харид қилиб олиш нархи ушбу эсдалик пул белгилари топширилган кундаги қимматбаҳо металл нархи ва ушбу нархга қўлланиладиган Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган чегирмага асосан Марказий банк томонидан мазкур Низомнинг [3-иловасига](#) мувофиқ белгиланади.

12. Шохобчалар томонидан қайтариб харид қилиб олинган қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгилари уларнинг асиллик даражасини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси (бундан буён матнда Асиллик палатаси деб юритилади) томонидан техник экспертизадан (қимматбаҳо металларнинг миқдорий хусусиятларини аниқлашда, яхлитлигини бузиш орқали, яъни ундан қирқиши, пармалаш йўли билан намуна олиб ёки олмасдан тадқиқот қилиш) ўтказилади.

Қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларининг асилик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган техник экспертиза учун тўлов Марказий банк ва Асилик палатаси ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади ҳамда эсдалик пул белгилари эгаларидан ундирилмайди.

13. Қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларини қайтариб харид қилиб олишда жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг шахсини тасдиқловчи хужжати асосида мазкур Низомнинг [4-иловасига](#) мувофиқ эсдалик пул белгиларини қайтариб харид қилиб олиш тўғрисида далолатнома (бундан буён матнда далолатнома деб юритилади) расмийлаштирилади.

14. Далолатнома уч нусхада тузилади, биринчи нусхаси шохобчага, иккинчи нусхаси эсдалик пул белгиси эгасига, учинчи нусхаси эсдалик пул белгиси билан бирга Асилик палатаси томонидан техник экспертизадан ўтказиш учун Марказий банкнинг масъул вакилига (бундан буён матнда масъул вакил деб юритилади) берилади.

15. Далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг етти иш кунидан кечиктирмасдан қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгилари масъул вакил томонидан Асилик палатасига техник экспертизадан ўтказиш учун тақдим қилиниши лозим.

16. Асилик палатаси далолатнома ва эсдалик пул белгиларни қабул қилиб олганидан сўнг, етти иш кунидан кечиктирмасдан масъул вакилга техник экспертиза якунланганилиги хақидаги ҳабар беради.

17. Марказий банк Асилик палатасининг техник экспертиза ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномасини олганидан сўнг, қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларини қайтариб харид қилиб олган шохобча орқали унинг эгаси билан ҳисоб-китобларни икки иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширади.

5-боб. Қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларининг асилик сертификати

18. Қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгилари уларнинг техник хусусиятларини тасдиқловчи асилик сертификати билан бирга муомалага чиқарилади. Асилик сертификати идентификация серия рақамига эга бўлади.

19. Асилик сертификати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда янгисига алмаштириб берилмайди ҳамда ушбу сертификатга тегишли бўлган эсдалик пул белгилари мазкур Низомга мувофиқ шохобчалар томонидан қайта харид қилиб олинади.

6-боб. Якуний қоидалар

20. Мазкур "Низом"" талабларининг"" бузилишида ""айбдор"" бўлган ""шахслар" конун "белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

21. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат асилик даражасини белгилаш палатаси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
эсдалик пул белгиларини сотиш
ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби түғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

Қимматбаҳо металл қийматининг ҳисоб-китоби

1 грамм соғ қимматбаҳо металлнинг баҳоси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$P_{G/UZS} = ((P_w / Y) * E_{CB}) \text{ вергулдан сўнг икки хонага қадар яхлитланади, бунда:}$$

$P_{G/UZS}$ — бир грамм қимматбаҳо металл учун сўмдаги нарх;

P_w — Лондон қимматбаҳо металлар ассоциацияси фиксинг нархи (долл./тр.унц.);

Y — бир трой унциясининг метрик граммдаги эквиваленти (1 трой унцияси = 31,1035 грамм);

E_{CB} — 1 АҚШ доллари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
эсдалик пул белгиларини сотиш
ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан
тайёрланган эсдалик пул белгилари қийматининг ҳисоб-китоби**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларини сотиш нархи қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Sigma = V * P_{G/UZS} * \left(1 + \frac{M}{100\%}\right) \text{ вергулдан сўнг икки хонага қадар яхлитланади, бунда:}$$

Σ — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгилари учун сўмда тўланадиган қиймат;

V — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларининг граммдаги оғирлиги;

$P_{G/UZS}$ — бир грамм қимматбаҳо металл учун сўмдаги нарх;

M — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган маржа миқдори (фоизда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
эсдалик пул белгиларини сотиш
ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан
тайёрланган эсдалик пул белгиларини қайтариб харид қилиб олиш қийматининг
хисоб-китоби**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларининг қайтариб харид қилиб олиш нархи қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Sigma = V * P_{G/UZS} * \left(1 - \frac{D}{100}\right) \text{ вергулдан сўнг икки хонага қадар яхлитланади, бунда:}$$

Σ — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгилари учун сўмда тўланадиган қиймат;

V — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгиларининг граммдаги оғирлиги;

$P_{G/UZS}$ — бир грамм қимматбаҳо металл учун сўмдаги нарх;

D — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган чегирма миқдори (фоизда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
эсдалик пул белгиларини сотиш
ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги
низомга
4-ИЛОВА

**Эсдалик пул белгиларини қайтариб харид қилиб олиш тўғрисидаги
ДАЛОЛАТНОМА**

_____ (туман) шаҳар

20___ йил «___»

Ушбу далолатнома _____

(шохобчанинг номи)

(ходимнинг Ф.И.О.)

томонидан расмийлаштирилди ва _____

(турап жой ёки рўйхатдан ўтган манзили)

дан

(жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

куйидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кимматбаҳо металлардан тайёрланган эсдалик пул белгилари қайтариб харид қилиб олиш учун қабул қилинди:

T/p	Эсдалик пул белгиси номи	Номинал қиймати	Металл ва асиллик даражаси	Вазни (грамм да)	Сони (ракамл ар ва сўзлар билан)
1		2	3	4	5

Мен, _____
(жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

юкорида кўрсатилган рўйхатни тасдиқлайман ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат
асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан техник экспертиза ўтказишга розилик бераман.

(имзо)

Қабул қилиб олган ходим _____
(санаси)

(имзо)